# РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

- Депутатлар ҳақида ҳикоялар
- Чўлда чаман яратаётганлар
- Она ер ҳақида деҳқон мулоҳазаси
- Мактаб қурилиши—диққат марказида
- Қуролдошлар дийдор кўришишди

КОММУНИСТ МАКТУБИ

## ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

Фабрика ишчилари Александр Степанович Богушни одатдагидек самимийлик билан қарши олишди.

— Пенсиядаги одам оёғини узатиб уйида ётса-да. Ҳар куни қатнаб юрасизми, ундан кўра фабрикага кўчиб кела қолинг?!

Александр Степанович уларнинг гапларини жилмайиб эшитади ва ўзи ҳам шогирдларидан биронтасига ҳазил қилиб қўяди.

Богуш корхонага, коллективга қанчалик боғланиб қолганлигини пенсияга чиққанидан сўнггина билди. У умрининг 35 йилдан ортиқроғини пойабзалчиликка бағишлаган. Кекса коммунист 1924 йили ташкил этилган «Большевик» артелининг ҳозирги кундаги йирик пойабзал фабрикасига айланиши шоҳиди бўлганлардан бири. У ёшларга ўз хотираларини сўзлаб бериб, уларни маънавий қувватлайди, коллективдаги энг яхши анъаналарни давом эттиришга ундайди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда фабрика ишчилари кўнгиллилар қаторида фронтга отландилар. Уларнинг кўпчилиги Ленин партиясига мансуб кишилар эди. Фронтга жўнаганлар ўрнини болалар, қариялар ва хотин-қизлар эгаллашди. Ишчилар вақт билан ҳисоблашмай, жангчиларимизга кийим-кечак етказиб беришди.

Фронтга кетганларнинг кўплари қайтиб келмади. Аммо партия ташкилоти коммунистларни ёш ишчиларни тарбиялашга изчил сафарбар қилиши натижасида тез орада фабрикада аҳил, тажрибали коллектив қарор топди.

Қарийб 40 йиллик меҳнат стажига эга бўлган кекса коммунист Жўрабой Холмирзаев ҳам шогирдлари даврасида кўп йиллик бой тажрибасини айтиб беришдан эринмайди. Унинг ўгитларини Т. Каримов, Т. Эсонбоев, М. Саримсоқов кабилар сидқидилдан бажаришмоқда.

Ж. Холмирзаев ёшларга жамоат топшириқларини аъло даражада бажариши билан ҳам ўрнак бўлаётир. У ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликни орттирувчи ихтирочилик таклифларини жорий этиш соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Ўтган йиллар мобайнида кекса коммунист ўнлаб илғор ишчиларга партия сафига ўтиш учун тавсиянома берди.

— Партия билети ҳеч қандай имтиёз бермайди,— дейди у ёш коммунистларга.— У кишига қўшимча масъулият юклайди. Корхонамизда бутун куч-қуввати ва соғлиғини умум иши, фабрика манфаатига сарфлаган ажойиб коммунистлар ишлаган ва ишлашмоқда. Уларнинг номи коллективда ҳурмат билан тилга олинади. Сиз ана шу фидокорлардан ўрнак олинг.

Корхона партия комитети КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида коммунистлар авангардлигини ошириш, меҳнат интизомини кучайтириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш соҳасида жиддий тадбирларни амалга оширяпти. Кўзбўямачилик, ўзибўларчиликка йўл қўйган раҳбарлар билан юзхотирчиликка бормай, кескин, принципиал муносабатда бўлинаётир. Уларнинг ўрнига ёш, билимдон коммунистлар қўйилмоқда. Жумладан, фабрика юраги ҳисобланган 1-цехда ишлар бўшашиб кетгач, бошлиқни ўзгартиришга тўғри келди. Партия комитети бу вазифага ёш коммунист Ғуломжон Жалиловни тавсия қилди. Партком адашмаган экан. Ёш раҳбар ўз фаолиятини меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашдан бошлади. Цехда ишлаётган коммунистлар ёш ишчиларни тарбиялашни ўз оталиқларига олишди. Ҳар бир КПСС аъзосига бир йилда икки-уч нафар шогирд тайёрлаш мажбурияти юкланди. Натижада цехда ойлик ва квартал планлари мунтазам бажариладиган, коллектив эса илғорлар қаторида тилга олинадиган бўлди.

Бундай жонкуяр коммунистлар номини кўплаб келтириш мумкин. Аммо гуручнинг орасида курмаги бўлганидек, баъзилар уларнинг пок номларига доғ туширишяпти. Бундай ҳоллар энг аввало партия ташкилотининг кишиларни ғоявий-сиёсий онгини ўстириш соҳасида етарли иш олиб бормаётганлигини кўрсатади. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар соҳасидаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Ҳақиқатан ҳам партком коллектив ҳаётининг баъзи жабҳаларига ўз таъсирини тўла ўтказолмаётир. Омманинг жонли ижоди бўлган социалистик мусобақанинг ошкоралиги таъминланмаяпти. Йиғилишда сўзга чиққан ветеран коммунистлар айрим ёшларда масъулиятсизлик кайфияти сезилаётганлигида барча коммунистлар, қолаверса кекса ишчилар, мураббийлар айбдор эканлигини ачиниш билан таъкидлашди.

Ўртоқ К. У. Черненко «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида бу ҳақда шундай дейди: «Партиянинг кучи ва обрў-эътибори ҳар бир коммунистнинг обрў-эътиборидир, унинг шахсий намунаси кучидир». Дарҳақиқат, коммунистлар энг қийин ишларни ўз зиммасига оладиган, ҳар қандай шароитда ҳам партиявий, гражданлик бурчига содиқ қолувчи кишилар. Партиянинг обрўсини сақлаш, сафларини мустаҳкамлаш ҳар бир КПСС аъзосидан фидойиликни талаб қилади.

Корхонамиз коммунистлари ўзларига ва ҳамкасбларига талабчанликни орттиряптилар. Бунинг натижаси эса ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқларда, одамлардаги кўтаринки кайфиятда намоён бўлмоқда.

**Ў. ХОЛИҚОВ,**
**Андижон пойабзал фабрикасининг мастер ёрдамчиси, жамоатчи мухбир.**

## ХАТ-ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Хат-хабарлар — дил ойнаси. Унда меҳнаткашларнинг орзу-истаклари, талаб ва эҳтиёжлари ўз ифодасини топган.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига меҳнаткашлардан ҳар куни юзлаб хат-хабарлар келиб турибди. Уларда КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, тинчлик ва халқаро хавфсизлик мустаҳкамланишидан чуқур манфаатдор эканликлари изҳор этилмоқда. Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, кўпгина хатларда кишиларни тўлқинлантираётган йирик масалалар кўтариб чиқилмоқда.

Редакциямизга келаётган хатларда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПСС XXVII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг ватанпарварлик ҳаракатлари, улар план топшириқларини муваффақиятли равишда ҳамда тўла ошириб бажаришдан манфаатдор эканликлари ўз ифодасини топяпти. Хат эгалари меҳнатни ташкил қилишни яхшилашга, иқтисод ва тежамкорликка, ҳар бир кишини жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган таклиф-мулоҳазаларини баён этмоқдалар.

Хатларда, шунингдек, ҳали жойларда хўжасизликка, кўзбўямачиликка, қилинмаган ишларни қилинди, деб ёзиш ҳолларига қарши лозим даражада кураш олиб борилмаётганлигини кўрсатувчи фактлар келтирилмоқда. Жамоат тартибини бузиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши курашни бундан буён ҳам изчил кучайтириб бориш зарурлиги тўғрисида сигналлар ҳам бор.

Шу йил февраль ойи ичида редакция меҳнаткашлардан 2582 та хат-хабар олди. Шундан 400 тасини ариза ва шикоятлар ташкил этади. Бундай хатлар алоҳида назорат остига олиниб, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Халқимизда «Хатга эътибор — элга эътибор» деган нақл бор. Демак, меҳнаткашлар мактублари, талаб ва истакларига ўз вақтида жавоб қайтариш, уни ижобий ҳал этиш ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак.



## 1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА

**Мукаррам Ғуломовна Ғайбуллаева 10-синфни битириб Намангандаги нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келган эди. Меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги туфайли тезда коллективга танилди. Кунларнинг бирида у сменада иш вақтининг бекор кетиши сабабларини ўрганди. Машиналар вақтида профилактик ремонт қилинмаганлиги ва яхши қаралмаслиги, калаванинг сифатсизлиги оқибатида шундай бўлаётган экан. У хулосаларини смена мастерига айтди. Тез орада тегишли чоралар кўрилди. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган М. Ғайбуллаева шу кунларда 1986 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Суратда: Мукаррам Ғайбуллаева.**

**Ҳ. Ҳайдаров** фотоси (ЎзТАГ).

## ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ

Остонақул коллектив хўжаликка қўшилиб ишлаш шарофатидан бири икки бўлди, ҳалол меҳнат қилиб, кўпчилик ҳурматини қозонди. Кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени ва қатор медаллар безади.

Остонақул Ашуров ўз одатини болаларига ҳам сингдирди. Тўнғич ўғли Эшмўмин отасига тортди. Пахтачилик касбига меҳр қўйди.

Отаси фронтга жўнагач, рўзғор ташвишлари унинг зиммасига тушди. Энди ғайрат-шижоат билан ишлашга тўғри келди. Кўп ўтмай, отаси урушдан ярадор бўлиб қайтди. У бирон ишга ярамасди. Ўғли унга суянчиқ бўлди. Эл-юрт меҳр-оқибати, фарзандининг мадади туфайли отанинг дарди ариди.

—Ўғлингизга йўлланма бердик, институтга ўқишга боради,— дейишди кунлардан бир кун колхоз правлениесидагилар Остонақул отага.

Дарвоқе, ўша пайтларда колхозда олий маълумотли мутахассис йўқ эди. Эшмўмин Остонақулов Тошкент халқ хўжалиги институтини битиргач, бир неча йил колхозда оддий бухгалтер, кейинроқ эса бош бухгалтерлик қилди. Колхоз раиси Чори Дўрмонов билан Эшмўмин колхоз маблағининг ҳуда-беҳудага сарф қилинишига чек қўйишди. Ҳар бир сўм тежаб-тергалди. Даромаднинг асосий қисми ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга ажратилди. Одамлар нима мақсадда меҳнат қилаётганликларини кўриб-билиб турардилар. Пахта ҳам, бошқа маҳсулотлар ҳам кўпайиб борди. Шунга яраша соф фойданинг салмоғи ошди.

Кутилмаганда колхоз раиси вафот этди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида правление раислигига бошқа номзодлар ҳам кўрсатилди. Бироқ колхозчилар якдиллик билан Эшмўмин Остонақуловга овоз беришди.

Ўшанда 1978 йилнинг май ойи эди. Ишончни оқлаш учун у қизғин ишга киришди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди.

*Меҳнат қилган — элда азиз*

Кадрларга эътибор кучайди. Ҳар бир кишининг қобилияти ўрганилди ва шунга яраша иш тақсимланди. Колхоз партия комитети раиснинг тутган йўлини маъқуллади. Орадан йиллар ўтиб колхоз илғор хўжаликлар қаторига қўшилди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олди. Икки киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

Ўтган йили ҳам пахта ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Хўжалик 10 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилди. Соф фойда 3 миллион 783 минг сўмдан ошди. Бир колхозчининг ойлик маоши 220 сўмни ташкил этди Колхознинг рентабеллик даражаси 60 процентга етди.

Ҳали колхознинг ҳамма тармоғи бир текис ривожланаётгани йўқ. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасидан фойда оладиган даражага етиш керак! Колхоз правлениеси олдида ана шундай долзарб муаммолар турибди.

Яқинда колхозчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган давридаги ишлар атрофлича таҳлил этилди. Тўғри, колхоз қиёфаси сўнгги икки йил ичида тубдан ўзгарди. Иккита мактаб, болалар боғчаси, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчилар хотираси учун Номаълум солдат ҳайкали, маиший хизмат уйи ва бошқа объектлар барпо этилди. Бир нечта дала шийпони, колхозчилар учун уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Чорвачилик комплекси қурилди.

Меҳнат кишини улуғлайди, дейдилар. Рост. Бунга Эшмўмин Остонақуловнинг фаолияти мисол бўла олади. У оддий колхозчиликдан колхоз раиси даражасигача кўтарилди. «Қизил Октябрь» колхози аъзолари ўз раисларига ишонадилар. У хўжаликни камолот сари етакламоқда. Яқинда унга яна бир юксак ишонч билдирилди. Эшмўмин Остонақулов Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Шубҳа йўқки, у албатта, халқнинг бу ишончини ҳам тўла оқлайди.

**М. БЎТАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири,**
**Қумқўрғон райони.**

*Биз—интернационалистлармиз*

## МУҲАББАТ МАСОФА БИЛМАЙДИ

— Мана бу куёвим бўлади. Миллати — немис. Германия Демократик Республикасининг Зуль шаҳрида яшайди, —дейди Ғаллаорол район санитария-эпидемиология станциясининг собиқ бухгалтери, айни вақтда пенсионер Александра Павловна Трошина.

У қўлидаги фотосуратга бир зум тикилиб турди-да, бизга узатди. Суратда бир оила аъзоларининг дастурхон атрофида тўплангани акс этган эди.

Светлана асли Ғаллаорол районидан. Акмал Икромов номли мактабда ўқиган. У ўқувчилик пайтларида интернационал дўстлик клубининг актив аъзоси эди. Чет эллардан дўстлар орттириш, хат ёзишиб, уларнинг ҳаёти билан танишиш хаёли билан яшарди. Кунларнинг бирида у хат воситасида Германия Демократик Республикасида яшовчи Герт Нимер деган йигит билан танишди. Ёшлар бир-бирларига расмларини юборишди. Байрам кунларида совғалар юбориб туришди. Ёзишмалар ўн икки йил давом этди.

Светлана 1973 йилда Гертдан телеграмма олди. Телеграммада у турист сифатида Самарқанд шаҳрига бораётганлигини, Светлана билан учрашмоқчи эканлигини баён қилганди. Орадан кўп ўтмай улар учрашдилар. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар обидаларини биргаликда томоша қилиб, обдон суҳбатлашдилар. Шундан сўнг уларнинг тўйлари бўлди. Герт рус қизи Светлана билан тотув ҳаёт кечира бошлади. Ҳозир уларнинг бир қиз ва бир ўғли бор.

Ўтган йили Герт Нимер билан Светлана Нимерлар Ғаллаоролга меҳмон бўлиб келишди. Ўшанда Александра Павловна Трошинанинг севинганини кўрсангиз эди?!

Кейин Светлананинг қариндош-уруғлари Германия Демократик Республикасининг Зуль шаҳрига боришди. Қариндош-уруғчилик давом этяпти. Герт рус тилида сўзлашишга анча ўрганиб қолган. У заводда инженер бўлиб ишлайди. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тугатган Светлана немис болаларига рус тилида дарс бермоқда. Бугунги кунда совет ва немис халқларининг дўстлиги, қон-қардошлиги ана шундай мустаҳкамланиб бормоқда.

**Т. ХЎЖАМБЕРДИЕВ.**
**Жиззах области.**

*Кўчат экинг, боғ қилинг!*

## ОТАХОННИНГ ҲИММАТИ

Советобод районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозининг Уйриқум массиви асрлар бўйи сувсизликдан қақраб ётарди. Ўтган йили кекса коммунист Бўри бобо Эшмуродов ташаббуси билан чўлга ҳужум бошланди. 20 гектар ер ўзлаштирилиб, беш минг туп ўрик ниҳоли экилди.

Бу йил Бўри Эшмуродов бригадаси азаматлари 40 гектар ерни боғу бўстонга айлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Янги ўзлаштирилаётган ерларга олти минг туп ўрик, саккиз минг туп шафтоли, минг туп олхўри, беш юз туп нок кўчатлари ҳамда уч минг туп ток қаламчаси ўтқазилди.

Бригада боғбонлари шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Ўктам Ўрозов, Бошман Юзбоев, Акбар Қўлдошев, Зуҳра Ашурова, Фотима Элмуродова каби қўли гул миришкорлар дала ишларида фаол қатнашмоқдалар.

**Р. ЎРОЛОВ.**
**Самарқанд области.**

*ГАЗЕТХОН:*

*МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ*

## ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Она ерга бўлган меҳр ва муҳаббатни биз ота-боболаримиздан ўрганганмиз. Ер тўймагунча эл тўймайди, дейишарди улар. Чиндан ҳам шундай.

Мен 22 йилдан буён совхозда ишлайман. Пахтачилик, маккажўхорикорлик бригадаларига бошчилик қилганман. Сувчи, молбоқар бўлиб ҳам ишлаганман.

Маълумки, экинлардан мўл ҳосил олиш учун, аввало, ерни яхши тайёрлаш керак. Унда ўсимлик қолдиқлари қолмаслиги лозим. Яхши текисланган, тупроғи тоза бўлган ердан уруғ бир текис униб чиқади ва яхши ривожланиб, кўнгилдагидек ҳосил беради.

Шу кунларда далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш авж олдирилган. Бундай ўғитлар орасида консерва банкалар, тош ва ғишт қолдиқлари, темир-терсак парчалари бўлишига йўл қўймаслик лозим. Афсуски, бундай ҳол кузатилмоқда. Ерга турли-туман зарарли нарсалар аралашса, катта зарар келтиради. Чунончи, экин қатор ораларига ишлов бериш пайтида машина-механизмларнинг қисмлари шикастланади. Бундай ҳол бизнинг хўжалигимизда ҳам содир бўлаётганлигини кузатганман.

Мен она-ер фарзандиман. Беш ўғил-қизим бор. Уларни ҳам ерни эъзозлашга ўргатяпман. Келинг дўстлар, ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар бўлган тупроғимиз қадрига етайлик. Уни доимо авайлаб асрайлик.

**С. СИДДИҚОВ,**
**Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли совхоз.**

*ТАКЛИФ ЭТАДИ*

## ЛОЙИҲАЛАР МУКАММАЛ БЎЛСИН

Партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодга чексиз ғамхўрликларидан, биз, педагоглар миннатдормиз. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш ҳақидаги қарор ҳам ана шундай ғамхўрликлардан бири бўлди. Бу тарихий қарорни амалга ошириш учун аввало мактабларимизда етарли шарт-шароитлар бўлмоғи лозим. Шу боисдан, янги қурилаётган мактаб бинолари ҳақидаги ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Менингча, қишлоқ мактаби қурилиши учун тайёрланадиган лойиҳаларга алоҳида эътибор бериш керак. Шаҳар мактабларининг ўқувчилари дарс машғулотларидан кейин музика мактабларига, пионер ва ўқувчилар уйларига қатнаб, билимларини оширадилар, ўзлари севган касб ва ҳунарни ўрганадилар. Шу боисдан, мактабларимиз қошида кўплаб тўгараклар ташкил этишимиз лозим. Бунинг учун, аввало, хоналар ва инвентарлар керак бўлади. Шундай экан, қуриладиган мактаблар биноси лойиҳаларини мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида тузмаслигимиз керак.

Имконият ва зарурат доирасида чамалаб кўрганимизда 640 ўринли қишлоқ мактаби учун камида 30 та синф хонаси бўлиши талаб этилади. Чунки «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»-да эндиликда ўқувчилар сони I—IX синфларда ўттизтадан, X—XI синфларда 25 тадан ошса, синфларни иккига бўлиш айтилган. Бундан ташқари, бўлиб ўқитилиши лозим бўлган рус тили, чет тили каби фанлар учун ҳам алоҳида хоналар керак.

Ҳозирги мавжуд лойиҳалардаги айрим камчиликларни тузатиш, яъни синф хоналарини 25 ўқувчига мўлжаллаб кичрайтириш эвазига маблағни тежаш ва хоналарни кўпайтириш мумкин. Мавжуд лойиҳаларда фан кабинетларига қўшимча кабинетолди хоналари учун жой ажратилган. Бу шарт эмас. Фақат кўплаб техник ашёлар зарур бўладиган, химия, физика бўйича инвентарлар кўплаб ишлатиладиган кабинетлар олдидагина шундай хоналар бўлса бас. Мактабда фойе ва залларга бўлган эҳтиёждан кўра, синф хоналарига бўлган эҳтиёж ҳамиша устун туришини эсдан чиқармаслик лозим.

**Б. НАЗАРОВ,**
**Қўшкўпир районидаги М. Горький номли ўрта мактаб директори.**

*ТАНҚИД ҚИЛАДИ*

## НОМИ ЧИРОЙЛИ-Ю...

**Биз Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг Чилонзор посёлкасида яшаймиз. Посёлкамизнинг номи чиройли. Аммо бу ерга келган киши қатор ноқулайликларни кўриб, ажабланиши мумкин. Кўчаларимиз ёзда тизза бўйи тупроқ, қишда эса ботқоқ бўлиб ётади. Бу ҳам озлик қилгандек, электр ҳам тез-тез ўчиб туради. Хуллас, фарзандларимизнинг мактабга қатнаши ҳамда дарс тайёрлашлари учун яхши шароит йўқ. Биз бу ҳақда совхоз раҳбарларига бир неча бор мурожаат этдик. Афсуски, улар ёрдам қилишмаяпти. Шу боисдан ҳам редакцияга ёзишга тўғри келди.**

**Бир группа ишчи ва хизматчилар номидан:**

**Д. МЎМИНҚУЛОВА,**
**ўқитувчи.**

ЎЗ МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

## ҚИРҚ ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ

«Совет Ўзбекистони» газетасининг ўтган йил 8 август сонидаги «Ўн олти ёшли жангчи» сарлавҳали мақолада Ғузор районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида яшовчи Улуғ Ватан уруши ветерани Эргаш ака Абдураҳимов ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Яқинда Эргаш ака номига Пахтачи районидаги Свердлов номли колхозда истиқомат қилувчи уруш ветерани, 135-ўқчи полкида хизмат қилган Бозор ака Рўзиевдан ҳаяжонли мактуб келди. Уни ўқиса, қуролдош дўстидан экан. Ниҳоят, қирқ икки йилдан сўнг қуролдошлар дийдор кўришдилар.

**Ш. АСАДИЛЛАЕВ.**
**Ғузор райони.**

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ:**

— Министрлик «Баҳор» давлат ансамбли маъмурияти ва бадиий совети аъзолари билан биргаликда Оҳангарон районининг «Оҳангарон» совхозида яшовчи А. Каримовнинг унинг тўйида хонанда А. Шукуров қатнашмаганлиги ҳақидаги хати кўриб чиқилди. М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг «Тўйлар ва оилавий тантаналар бюроси» рухсатисиз Каримовлар оиласи тўй маросимида қатнашишга розилик бергани учун хонанда А. Шукуров «Баҳор» давлат ансамбли маъмурияти томонидан қаттиқ жазоланди.

Министрлик «Баҳор» давлат ансамбли директори А. Холмуҳамедовни қаттиқ огоҳлантирди.

**ҚОРАКЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:**

— Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилувчи Ш. Каримовнинг шу хўжаликнинг собиқ бригада бошлиғи Р. Обулов (Панжиев)-нинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги шикоят хати атрофлича текширилди ва унда баён этилган фактлар асосан тасдиқланди. Жумладан, колхознинг тут экилган плантацияси ичидан бирор озуқабоп экин экиб фойдаланилмаганлиги, 0,10 гектар ерга экин экмасдан бўш қолдирилганлиги ҳақиқатан ҳам тўғри. Бунинг учун колхоз правлениеси Р. Обулов (Панжиев)дан 125 сўм 50 тийинни ундириб олишга қарор қилди ҳамда ердан тўғри фойдаланиш чораларини кўрмаганлиги ва спиртли ичимлик ичиб, колхозчиларга қўпол муомалада бўлганлиги учун у бригада бошлиғи вазифасидан четлаштирилди.

Колхозда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ер фондидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш колхоз правлениеси ва партия ташкилотига топширилди.

**ЁЗЁВОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— «Москва» колхозида истиқомат қилувчи М. Мамадалиевнинг кўмирга бўлган талаби қондирилди. Шунингдек, район мактабларини ҳам ёқилғи билан таъминлаш устидан назорат ўрнатилди.

**ҚУМҚЎРҒОН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— Имзосиз хат юзасидан район агросаноат бирлашмасининг махсус комиссияси «Москва» колхозининг Э. Нормуродов бошлиқ бригадасида текшириш ўтказиб, натижаси колхоз правлениеси йиғилишида муҳокама қилинди.

Танқидий хабарда кўрсатилган айрим фактлар тасдиқланди. Колхоз правлениеси қарори билан молия интизомини бузганлиги учун бригада бошлиғи Э. Нормуродовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Район Совети ижроия комитети мажлисида текшириш якунлари атрофлича муҳокама қилинди. Колхоз правлениеси раиси Р. Чориев ва бош бухгалтер Қ. Ҳайитовлар огоҳлантирилдилар.

**УРГАНЧ РАЙОН АЛОҚА ТАРМОҒИ:**

— Район марказидаги Ленин номли кўчада яшовчи Р. Сафаров шикояти ўринли деб топилди. Ўз ишига масъулиятсизлик билан қараган «1-Қораул» алоқа бўлими бошлиғи Н. Худойбергенова қаттиқ огоҳлантирилди. Алоқа хизматини янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

**ЖАРҚЎРҒОН РАЙОН МАРКАЗИЙ КАСАЛХОНАСИ:**

— «Сурхон» совхозида яшовчи З. Алламуродовнинг хати юзасидан текшириш ўтказилди. Совхоздаги шифохонанинг терапия бўлимида беморлар учун белгиланган ички тартибга риоя қилмаслик, камёб дори-дармонларнинг топилмаслиги фактлари тасдиқланди.

Текшириш якунлари касалхона ходимларининг умумий йиғилишида хат автори иштирокида муҳокама қилинди. Бош врач вазифасини бажарувчи М. Фаттоҳовга даволаш-профилактика режими қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Даволаш-профилактика режимига амал қилиш устидан назорат ўрнатишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун терапия бўлими мудири Э. Тоғаевга танбеҳ берилди.

## ПОСЁЛКА ЖАМОЛИ

Қўриқ Муборак районидаги «Гулистон» совхозининг маркази қўриқ забткорлари ва бунёдкорларининг шижоатли меҳнатлари эвазига тобора чирой очиб бораётир.

«Каршистрой» территориал бошқармасига қарашли хўжалик ҳисоби билан ишлайдиган 7-қурилиш участкасининг қурувчилари томонидан тезкорлик билан тикланиб, сайқал топаётган бинолар посёлка кўркига-кўрк бўлиб қўшилмоқда.

КПСС XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини совхоз марказида 624 ўринли янги мактаб биноси ҳамда бошқа бир қатор маданий-маиший объектлар қуриш билан кутиб олишга аҳд қилган бунёдкорлар айни кунларда 140 ўринли икки қаватли боғча-ясли биносининг сўнгги пардозлаш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

**Н. ТОҒАЕВ.**
**Қашқадарё области.**

